

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

"Қишлоққурилишлойиха" МЧЖ бош
лойиха-қидирув институти
Бош директори



И.С.Ахмедов

» 2022 йил

"Самарқанд вилояти Пасдарғом тумани "Янгиобод" МФЙни бош режа лойихаси билан бир вақтда батафсил режалаштириш лойихаси ҳамда ёндош "Беклар", "Болдир", "Гумбаз", "Фуркат", "Ш Рашидов", "Пулотчи", "Навруз" ва "Тозкултон" МФЙларининг шаҳарсозлик жихатидан транспорт ва кўча-йўл тармоқларини ривожлантириш схемасини ишлаб чиқиш

Таянч тархдан ҳамда асосий чизмадан фойдаланган ҳолда транспорт ва кўча-йўл тармоқларини ривожлантириш схемасини ишлаб чиқиш лойихаси М 1:2000;

Кўча-йўл тармоқлари андозавий кўндаланг кесимлари М 1:100;

ЛОЙИҲА ТОПШИРИҒИ

Буюртмачи – "Қишлоққурилишлойиха" МЧЖ бош лойиха қидирув институти

Бажарувчи – Танлов асосида

Лойиҳа топшириғи


1	Лойиҳаланадиган объект титул бўйича номланиши	1.1. "Самарқанд вилояти Пасдарғом тумани "Янгиобод" МФЙни бош режа лойиҳаси билан бир вақтда батафсил режалаштириш лойиҳаси ҳамда ёндош "Беклар", "Болдир", "Гумбаз", "Фуркат", "Ш Рашидов", "Пулотчи", "Навруз" ва "Тозкултон" МФЙларининг шаҳарсозлик жиҳатидан транспорт ва кўча-йўл тармоқларини ривожлантириш схемасини ишлаб чиқиш
2	Лойиҳалаш учун асос	2.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.08.2019 йилда қабул қилинган 639-сонли қарори. 2.2. Самарқанд вилоят курилиш бош бошқармасининг 2022 йил 8 январдаги № 01-4037 - сонли буюртма хати.
3	Молиялаштириш манбааси	3.1. Давлат бюджети ҳисобидан
4	Объектнинг Республика маъмурий гуруҳида жойлашув ўрни	4.1. "Самарқанд вилояти Пасдарғом тумани "Янгиобод" МФЙни бош режа лойиҳаси билан бир вақтда батафсил режалаштириш лойиҳаси ҳамда ёндош "Беклар", "Болдир", "Гумбаз", "Фуркат", "Ш Рашидов", "Пулотчи", "Навруз" ва "Тозкултон" МФЙлари
5	Объектнинг асосий таснифи Асосий "Янгиобод" МФЙ	5.1. Асосий "Янгиобод" МФЙсининг мавжуд аҳоли сони: 5 065 киши, аҳоли яшаш майдони 209,0 га; 5.2. Ёндош «Беклар» МФЙ сининг мавжуд аҳоли сони: 3 910 киши, БРЛ ишлаб чиқиш ҳудуди 16,0 га; 5.3. Ёндош «Болдир» МФЙ сининг мавжуд аҳоли сони: 3 523 киши, БРЛ ишлаб чиқиш ҳудуди 26,0 га; 5.4. Ёндош "Гумбаз" МФЙ сининг мавжуд аҳоли сони: 4 978 киши, БРЛ ишлаб чиқиш ҳудуди 28,0 га; 5.5. Ёндош "Фуркат" МФЙ сининг мавжуд аҳоли сони: 3 245 киши, БРЛ ишлаб чиқиш ҳудуди 18,0 га; 5.6. Ёндош "Ш.Рашидов" МФЙ сининг мавжуд аҳоли сони: 2 405 киши, БРЛ ишлаб чиқиш ҳудуди 22,0 га; 5.6. Ёндош "Пулотчи" МФЙ сининг мавжуд аҳоли сони: 4 132 киши, БРЛ ишлаб чиқиш ҳудуди 16,0 га; 5.7. Ёндош "Навруз" МФЙ сининг мавжуд аҳоли сони: 2 320 киши, БРЛ ишлаб чиқиш ҳудуди 22,0 га; 5.8. Ёндош "Тозкултон" МФЙ сининг мавжуд аҳоли сони: 2 402 киши, БРЛ ишлаб чиқиш ҳудуди 20,0 га;
6	Бош режаларни қўлланиш даври	6.1. Мавжуд ҳолат – 01.01.2022 йил 6.2. Биринчи навбат – 2027 йил 6.3. Ҳисобий муддат – 2037 йил
7	Пасдарғом тумани "Янгиобод" МФЙ аҳоли пунктини батафсил режалаштириш лойиҳаси асосида транспорт ва кўча-йўл тармоқларини ривожлантириш схемасини ишлаб чиқишда асосий талаблар	7.1. Курилиш вазирлиги томонидан 2019 йил 2 ноябрда 503 сонли буйруғи билан тасдиқланган тартиб асосида. 7.2. Бош режа асосида транспорт кўча-йўл тармоқларини ривожлантириш схемаси навбатма-навбат ШНК 1.03.10-12, ШНК 1.03.02-04*, ШНК 2.07.02-07 ва ШНК 2.07.01-03* да кўрсатиб ўтилган тартиб бўйича ва календар режа асосида ишлаб чиқилади. 7.3. Бош режа асосида транспорт кўча-йўл тармоқларини ривожлантириш схемаси таркиби ШНК 1.03.10-12 асосида ишлаб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Давархитекткурилиш қумитасининг 01.03.2018 йилги № 7 сонли буйруғига амал қилган ҳолда бажарилади. Бажариладиган ишлар таркиби: Чизма материаллар: 7.4. Аҳоли пунктларини батафсил режалаштириш лойиҳаси асосида транспорт кўча-йўл тармоқларини ривожлантириш схемаси ишлаб

		<p>чиқиш учун бош лойиҳа қидирув институти томонидан йиғилган дастлабки асосий маълумотлар асосида ишлаб чиқиш.</p> <ul style="list-style-type: none"> - МФЙ аҳоли пункти худудидан ўтувчи (агар ўтган бўлса) умумий фойдаланишдаги халқаро аҳмиятга молик автомобил йўлларининг параметрлари ҳамда қизил чизиқларини, автомобил йўллари кўмитаси қошидаги вилоят автомобил йўллари худудий бошқармалари томонидан берилган маълумотлар асосида, давлат ва маҳаллий аҳамиятга молик автомобил йўлларини ШНК 2.07.01-03* Шахарсозлик асосида ишлаб чиқиш - МФЙ аҳоли пунктини батафсил режалаштириш лойиҳаси асосида транспорт кўча-йўл тармоқларини ривожлантириш схемасини М 1:2000 - МФЙ аҳоли пунктини батафсил режалаштириш лойиҳаси асосида транспорт кўча-йўл тармоқларини андозавий кўндаланг кесимларини М 1:2000 - тушунтириш хати <p>7.5. Ишлаб чиқилган батафсил режалаштириш лойиҳаси асосида транспорт кўча-йўл тармоқларини ривожлантириш схемасини "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институти билан келишилади.</p>
8	<p>ШНК 1.03.02-04* п.6 асосида Буюртмачи томонидан лойиҳа ишларини бошлашдан олдин берадиган ҳужжатлар</p>	<p>8.1. Топографик материаллар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Топографик сьемка М1:2000 - МФЙ аҳоли пунктлари бўйича муҳандислик геология хулосаси. Лойиҳаланадиган МФЙ аҳоли пункти ва худуд бўйича 01.01.2021 йил ҳолатига қуйидаги маълумотлар: - МФЙ ва унинг худуди бўйича аҳоли жойлашиши мавжуд ҳолати - Уй-жой фонди унинг қаватлилиги ва кимларга қарашлилиги - Маъмурий ва хизмат кўрсатиш биноларини мавжуд ҳолати ва жойлашган манзиллари - Муҳандислик ускуналари билан таъминланганлик даражаси ва унинг кўрсаткичлари - Ишлаб чиқариш, саноат объектлари ва уларда ишлайдиган кадрлар ҳақида маълумот. - Аҳоли ёши бўйича тақсимланиш кўрсаткичи - Аҳолининг табиий ва миграция ҳолати бўйича ўсиш динамикаси. - Туман ва МФЙ худудлари орасидаги транспорт алоқаси, уларнинг иш режими, пассажир ташиш маршрутлари, транспортга тегишли бино ва қурилмалар - Йўл-транспорт ва кўчалар йўналиш тармоқлари, уларнинг узунлиги - Умумий фойдаланиш кўкаламзорлари - Спорт ва дам олиш объектлари - Темир йўл бўйича маълумот (агар бўлса) - Мавжуд атроф – муҳит ҳолати - Автомобил транспорти ва унинг қатнов тезлиги
9	<p>Институт томонидан, лойиҳа олди ишлари, лойиҳалаш ишлари, лойиҳаларни келишиши ва тасдиқлашдан ташқари яна қўшимча хизматлар</p>	<p>9.1. Буюртмачи талаб даражасида ёлланма лойиҳа ташкилотига ёрдам беради.</p> <p>9.2. Лойиҳа ҳужжатларни барча дахлдор туман корхона ва ташкилотлар томонидан кўриб чиқиш вақтида.</p> <p>9.3. Лойиҳа ҳужжатларини экспертиза идоралари томонидан кўриб чиқиш вақтида.</p> <p>9.4. Лойиҳа бош режасини Қурилиш вазирлиги меъморий шаҳарсозлик кенгаши томонидан кўриб чиқиш вақтида ва туман ҳокимининг қарорини тайёрлаш вақтида.</p>

10	Лойиҳа ишларини бажариш давридаги махсус талаблар	<p>10.1. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларини баҳолашда қуйидагилардан фойдаланилади: - Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида қўлланиладиган шаҳарсозликга тегишли ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун баҳоланадиган, лойиҳа ишлари нархини аниқлаш бўйича вақтинчалик қўлланма. Бу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 04.04.2011 йилги № 16–сонли буйруғи билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 28.10.2005 й. № 60 сонли буйруғи билан тасдиқланган техник-муҳандисдик қидирув ишларини баҳолаш тартиби.</p> <p>10.2. Хизмат сафарига ажратиладиган маблағ, институт томонидан амалда сарфланадиган харажатга мувофиқ олдин ишлаб чиқилган ҳужжатлар асосида ҳисобланади.</p> <p>10.3. Бош лойиҳачи белгиланган тартиб асосида, баъзи махсус лойиҳа ишларини бажариш учун қўшимча махсус ташкилотларни ишга жалб қилиш мумкин.</p> <p>10.4. Чизма материаллар ёзиғи ва тушунтириш хати давлат тилида ва баъзи ҳолларда рус тилида ёзилиши мумкин.</p> <p>10.5. Ишлаб чиқилиб тасдиқдан ўтган батафсил режалаштири лойиҳаси ҳужжатларини амалга ошириш даврида Ҳокимликлар, Қурилиш вазирлиги, шаҳар ва туман меъморлари, лойиҳада жойлаштирилган объектларни, қурилишга юборилган олдин албатта бош лойиҳачи ҳисобланган “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ институти билан келишиши талаб қилинади.</p> <p>10.6. Ёзувли (китоблар) ва чизма материаллар (букланган) бош режа ҳужжатлари буюртмачи “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институти бажаради. Бажарувчи томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа ишлари 2-3 нусхалари буюртмачига берилади. Электрон шаклда 1-нусхаси буюртмачига берилади.</p>
11	Лойиҳалаш муддати	<p>11.1. Лойиҳалаш муддати, календар график асосида белгиланади. Изоҳ: ёлланма лойиҳачи, бажариладиган лойиҳа иши учун тўланадиган бўнак пули тушиши кечикиши ёки олдинги бажарилган иш учун маблағ тўланмаслигига қараб, календар графикда кўрсатилган муддатни кечиктириш ҳуқуқига эга.</p>
12	Бош режаларни дахлдор ташкилотлар билан келишиши тартиби	<p>12.1. Шаҳарсозлик ҳужжатларини жойлардаги дахлдор ташкилотлар билан келишиши ва тасдиқланиши амалдаги ШНК 1.03.02-04*нинг 105-109 ва 121-141 бандлари, ҳамда ШНК 1.03.10-12 мувофиқ амалга оширилади.</p>
13	Бош режаларни ишлаб чиқиш билан биргаликда аҳоли пунктини батафсил режалаштириш лойиҳаси ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш	<p>13.1. Бош режаларни ишлаб чиқиш билан биргаликда аҳоли пунктини батафсил режалаштириш лойиҳаси ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш ШНК 1.03.02-04* ва ШНК 1.03.10-12 асосида бажарилади.</p> <p>13.2. Ўзбекистон Республикаси қурилиш Вазирлигига қарашли, экспертиза бош бошқармасига лойиҳага тегишли барча ҳужжатларни буюртмачи топширади ва тўлов кафиллигини олади.</p>
14	Ушбу лойиҳа – топшириғи шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асосий ҳужжат ҳисобланиб, шу билан биргаликда шартоманинг бир қисми ҳисобланади.	

Буюртмачидан:

“Йўлларни лойиҳалаш” бўлими бошлиғи:



К.Шамуратов